



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР АМИРИ ВА ХАЛҚИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати собиқ Амири Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун 14 июль куни Доҳа шаҳрида бўлди.



Ҳамад халқро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қатар Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Шайх Сауд бин Абдулрахмон Ол Соний ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Лусаил саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Қатар Амирига отаси — собиқ Амир Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Шайх Ҳамад Ол Соний Ҳазратлари Қатар Давлати эришган кўплаб тарихий ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги жадал ислохотлар, мамлакатнинг халқро майдондаги нуфузи ортишига улкан ҳисса қўшган сиёсат арбоби бўлгани таъкидланди.

Шу билан бирга, ул зотнинг мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустақамлашдаги самарали меҳнатлари алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Президентимиз Қатар бугунги кунда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги муҳим ўрин эгаллаётгани, халқро майдонда катта таъсирга эга “Доҳа овози” пайдо бўлганини эътироф этди.

Икки давлат етакчилари Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустақамлаш, кўп қиррали алоқаларни янги босқичга кўтариш, долзарб халқро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилди.

Ўз навбатида, Қатар Амири Ўзбекистон Президентига ушбу синовли дамларда шахсан ташриф буюриб, билдирган самимий ҳамдардлик ҳамда дўстона қўлаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон раҳбари Қатар Амирини ўзига қулай бўлган фуракатларда мамлакатимизга ташриф буюришга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлатига ташрифи якунланди.

ЎЗА

ТОСКАНА ВИЛОЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 июль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Италиянинг Тоскана вилояти губернатори Эуженио Жани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон — Италия стратегик шериклигини, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Худудларро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча даражаларда икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани ва ҳамкорликнинг асосий кўрсаткичлари изчил ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 25 фоизга ошди. Ўзбекистонда металлургия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида Италиянинг етакчи компаниялари

иштирокидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Тосканани кўп асрлик тарихий ҳамда маданий алоқалар боғлаб туриши таъкидланди. Буюк ипак йўли даврида Флоренция билан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ўртасида фаол савдо-сотик амалга оширилган, флоренциялик савдогар ва дипломатлар эса Амир Темури саройида қабул қилинган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида Пиза университетининг филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жорий йилда мазкур филиал меҳнат бозорига илк битирувчиларни чиқаради. Прато шаҳрида мамлакатимизнинг тўқимачилик

маҳсулотлари савдо уйи ишламоқда. 2024 йилда Флоренциядаги Уффици галереясида юртимизнинг авангард санъати асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тоскана вилояти билан тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва заргарлик саноати, қурилиш ҳамда таълим, маданият ва туризм соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тоскана ва Бухоро вилояти ўртасида шериклик алоқаларининг ривожланаётгани ҳамда ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани юксак баҳоланди.

Учрашув якунида Тоскана билан мамлакатимиз ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга

қаратилган янги лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишни назарда тутувчи қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш ва қабул қилиш тўғрисида келишувга эришилди.

Тоскана Италиянинг энг иқтисодий ривожланган ҳудудлари қаторига киради ва кучли саноат салоҳияти, юқори технологияли ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги, жаҳонга машҳур виночилик ҳамда туризм тармоғига эга.

Вилоятнинг маъмурий маркази — Флоренция эса жаҳон маданияти, илм-фани ва санъати таракқиётига улкан ҳисса қўшган Уйғониш даврининг умумэтироф этилган “бешиги” ҳисобланади.

ЎЗА

ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев пенсия тизимини ислох қилиш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Ўн йилда мамлакатимизда пенсия миқдори 3,3 баробар оширилди, унинг энг кам миқдори минимал истеъмол харажатлари даражасидан юқори белгиланди. 2021 йилгача 1,1 миллион нафар фуқаронинг пенсияси 400 минг сўмдан кам бўлган. Бугунги кунда энг кам пенсия миқдори 878

минг сўмни, минимал истеъмол харажатлари эса 715 минг сўмни ташкил этмоқда.

Тақдиротда жағғариб бориладиган пенсия тизими ривожланган мамлакатларда пенсия маблағлари иқтисодиёт учун узоқ муддатли ресурс вазифасини ўтаётгани қайд этилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда пенсия тизими тўғри йўлга қўйилса, иқтисодиётга узоқ муддатли маблағларни жалб қилиш мумкин. Бунини Халқаро валюта жағғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари ҳам тасдиқламоқда.

Шу боис, пенсия тизимини илғор хорижий тажриба асосида ислох қилиш, жағғариб бориладиган, хусусий ва корпоратив пенсия тизимларини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

➤ Давоми 2-бетда



Муносабат

Геосиёсий зиддиятлар ва жаҳон иқтисодиётдаги кескин ўзгаришлар шароитида инвесторлар, аввало, қонун устуворлиги таъминланган, иқтисодий барқарорлик ва аниқ қоидалар мавжуд бўлган бозорларни танламоқда. Шу маънода, замонавий дунёда сармоя учун рақобат оддий капитал жалб қилиш кураши эмас, балки ишончли муҳит ва самарали институтлар яратиш рақобатига айланди. Ўзбекистон ҳам айнан шу тамойилдан келиб чиқиб, инвестициявий жозибадорликни ошириш, хорижий сармоя учун қулай ва ишончли муҳит шакллантириш йўлидан бормоқда.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МАРКАЗИ: МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАҲОН САРМОЯ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК БОСҚИЧ



Сўнгги беш йилда юртимиз иқтисодиётига 123 миллиард доллар инвестиция жалб этилгани амалга оширилаётган ислохотларга халқаро ишонч ортиб бораётганини кўрсатади.

Энди ушбу ишонччи янада мустақамлайдиган янги ҳуқуқий ва институционал механизмларни ҳаётга таъбиқ этиш муҳим бўлиб бормоқда. “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги Конституциявий қонун ана шу йўлдаги муҳим стратегик қадамлардан бири бўлди.

➤ Давоми 4-бетда

Президент Илҳом Алиев: “ҚОРАБОҒНИ ТИКЛАШДА БИРИНЧИ ЁРДАМ ЎЗБЕКИСТОНДАН КЕЛДИ”

13 июль куни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев IV Шуша Глобал медиа форумининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш Озарбайжон учун устувор йўналишлардан бири эканини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

“Устюрт” қонидаги қидирув ишлари яхши натижалар беришига ишонаман”, — деди Озарбайжон Президенти.

Озарбайжон раҳбари “Озарбайжон — Марказий Осиё” формати ташкил этилганига алоҳида тўхталиб, бунда ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг юксак хизматлари ва ўзига хос ўрни борлигини таъкидлади. “Озарбайжон аллақачон ушбу Маслаҳат кенгашига тўлақонли аъзо сифатида қўшилди. Мени икки марта саммитларга фахрий меҳмон сифатида таклиф қилишди. Охириги марта ташкил этилган учрашувда “Озарбайжон — Марказий Осиё” Маслаҳат кенгаши тузилди. Бу бизда катта гуруҳ ва қувонч уйғотади. Айтишим мумкинки, бу ноёб ҳодиса, чунки географик жиҳатдан биз Жанубий Кавказда жойлашганмиз. Бироқ маданий, тарихий ва этник алоқалар шунчалик мустаҳкам, сиёсий муносабатлар эса шу қадар кўп қирраллики, Марказий Осиёдаги дўст мамлакатлар бизни қабул қилишга қарор қилди”, — деди Илҳом Алиев.

Озарбайжон давлат раҳбарининг фикрича, бундай муносабатлар бугунги кунда геосиёсий ва геоиқтисодий муносабатларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Чунки шу тариқа Марказий Осиё билан Озарбайжон ягона иқтисодий ва сиёсий маконда бирлашади.

Таъкидланганидек, “Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўра билиши ва стратегик қарашлари бу борада жуда муҳим аҳамият касб этди”.

“Қардош ўзбек халқи ва давлати Президент Шавкат Мирзиёев етакчилигида муваффақиятли тарзда ва ишонч билан олға бораётгани эътирофга лойиқ”, — дея сўзини якунлади Озарбайжон Президенти.

“Дунё” АА

Боку шаҳри

МЕТАЛЛУРГ СИНГЛИМ

Дилнозага

Сенинг гулдек нозик, нафис қўлларинг Жило бермоқдадир оғир металлга. Шундан юзинг ёруғ, очик йўлларинг, Ҳаёт бермоқдасан ҳар бир деталга. Юраги бегардим, тоза руҳ синглим, Дилноза, ўзимнинг металлург синглим.

Тўмарисмонандим, Барчинсифатим, Темирни эритар қалбингнинг кўри. Жасоратинг қадим, мардлгинг қадим, Сенинг тенгинг фақат мардларнинг зўри. Эрта-кеч оловдан юзи сурх, синглим, Дилноза, ўзимнинг металлург синглим.

Мислсиз иссиқда тобланган дастинг Қалам тутганидан фаҳрландим мен. Саккиз мисра шеъринг — мўътабар қасдинг, Оташ сўзларингдан сеҳрландим мен. Оташ ва сўз билан тузган сулҳ синглим, Дилноза, ўзимнинг металлург синглим.

Орзуларинг сендан кетмади айри, Аждодларга хос, бос из бўлдинг бугун. Ҳақ ҳукми — Юртбосим меҳри туфайли, Сен Зулфияхонимга қиз бўлдинг бугун. Тегмасин ёмон кўз, ёмон суқ, синглим, Дилноза, ўзимнинг металлург синглим.

Ботир ЭРТАШЕВ

ИЛМ ҚАРВОНИНИНГ ЁШ ПЕШҚАДАМЛАРИ



Хушхабар

Жорий йилнинг 4-12 июль кунлари Колумбияда нуфузли 56-Халқаро физика олимпиадаси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз терма жамоаси нуфузли мусобақада илк бор 2 та қумуш ва 2 та бронза медални қўлга кирипти, ўз иштироки тарихидаги энг юқори натижани қайд этди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилган беш нафар ўқувчидан тўрт нафари медал билан қайтди, яна бир иштирокчи эса Honorable Mention — фахрий эътироф билан тақдирланди.

➤ Давоми 5-бетда

ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Хозирда фуқаролар иш ҳақининг 0,1 фоизи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу маблағларга ҳисобланадиган йиллик 10 фоизлик даромад банк омонатларидан қарийб икки баробар кам.

Шу муносабат билан мазкур тизимнинг жозибадорлигини ошириш ва аҳолини унда фаол иштирок этишга рағбатлантириш бўйича янги механизмлар таклиф қилинди.

Хусусан, ойлик иш ҳақи 7,6 миллион сўмгача (пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг 15 баравари) бўлган фуқаро жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 5 фоизини ўтказса, давлат томонидан қўшимча яна 2,5 фоиз миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ойлик иш ҳақи 7,6 миллион сўмдан юқори бўлган фуқаролар учун эса тўланган ижтимоий солиқнинг шу миқдордан ошган қисмининг 1 фоизини уларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш таклиф этилди.

Пенсия миқдорини ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Амалда пенсия охириги ўн йиллик меҳнат фаолиятидаги беш йиллик иш ҳақидан ҳисобланади. Шунингдек, иш ҳақининг 6 миллион сўмдан юқори қисми ҳисобга олинмайди. Бу



Нуқтаи назар

Инсоният тарихини баъзан биргина материал тарихи деб ҳам аташади. Аввал тош, кейин бронза, сўнг темир цивилизация тараққиётига асос бўлган. Ҳар бир даврда қайси халқ метални яхшироқ ўзлаштирган бўлса, ўша халқ иқтисодиётда ҳам, ҳарбий қудратда ҳам, илм-фанда ҳам устунликка эришган. Бугун эса инсоният рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва “яшил” энергетика даврига қадам қўйган бўлса-да, тараққиётнинг таянчи ўзгаргани йўқ. Фақат энди оддий темир эмас, балки юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган сифатли пўлат иқтисодиётнинг ҳақиқий қудратини белгилamoқда.



Суннатилла ҒОЙИБНАЗАРОВ, техника фанлари доктори

Бугун дунёда қайси мамлакат автомобиль ишлаб чиқарса, самолёт яаса, юқори тезликдаги темир йўллар курса ёки атом энергетикасини ривожлантирса, у, аввало, замонавий металлургияга таянади. Чунки металлургия бир тармок эмас, балки барча sanoat тармокларини боғлаб турувчи асосий халқадир. Шунинг учун иқтисодчилар металлургияни иқтисодиёт юраги, муҳандислар эса барча технологиялар асоси деб аташади.

Мамлакатимизда sanoatни чуқур модернизациялаш, маҳаллий хомашёни юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотга айлантириш ва иқтисодиётнинг технологик асосларини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мазкур жараённинг энг ёрқин намунаси сифатида Ўзбекистон металлургия комбинатига янги қўйиш ва прокат мажмуаси ишга туширилганини кўрсатиш мумкин. Бир қарашда бу навбатдаги sanoat объектининг фаолият бошлашига ўхшайди. Аслида, мазкур мажмуа мамлакат иқтисодиётининг келгуси ўн йиллик ривожланиш стратегияси билан бевоcита боғлиқ. Чунки бу ерда илк бор юртимизда sanoatнинг кўплаб тармокларини боғлаб турувчи асосий халқадир. Шунинг учун иқтисодчилар металлургияни иқтисодиёт юраги, муҳандислар эса барча технологиялар асоси деб аташади.

Бугун Бекобод ҳам, бутун юртимиз ҳам ўзгаряпти. Янги бинолар қуриляпти, корхоналар янгиланяпти. Буларнинг барчасини кўриб, қариган чоғимда қувонаман. Чунки биз орзу қилган кунларни фарзандларимиз кўраётганини ҳис қиламан.

МЕҲНАТ ҚИЛГАННИНГ ҚАДРИ ҲАМИША БАЛАНД

Урмимнинг катта қисми Бекобод металлургия комбинати билан боғлиқ. Ёшлигим ҳам, куч-қувватим ҳам, меҳнатим ҳам шу ерда ўтди. Ҳаётда қийинчиликни ҳам кўрдим, қувонччи ҳам.

Президентимизнинг Бекободга ташрифи урмимнинг энг эсда қоларли кунларидан бири бўлди. Электромобил калитини қўлимга тутказганида беҳитиёр ҳаяжонландим. Шу ёшга кириб, бундай кунни кўраман деб ўйламаган эдим. Уша лаҳзада ҳаёлимдан битта гап ўтди: демак, йиллар давомида қилган меҳнатимиз исзси кетмаган.

1955 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб, комбинатга ишга кирганман. Ушанда ёш йигит эдим. Касбни ҳам, ҳаётни ҳам шу ерда ўргандим. Иссиқ цехларда ишладик, тунги сменаларда қолдик. Қишининг совути ҳам, ёзининг жазираси ҳам бизни ишдан бездирмаган. Чунки биз учун иш элга керакли бўлиш дегани эди.

Темир билан ишлаган одам сабрни ўрганади. Пўлат бирданига тобланмаганидек,

инсон ҳам меҳнат билан пишади. Шунинг учун ёшларга қараб доим битта гапни айтаман: ҳаётда осон йўл қидирманглар. Инсонни меҳнат тарбиялайди, меҳнат одамини одам қилади.

Комбинатда қарийб эллик йил ишладим. Бирга ишлаган қанча сафдошларим бутун орамизда йўқ. Улар билан бирга ўтган кунларни эсласам, кўнглим тўлиб кетади. Биз бир оиладек эдик. Бир-биримизга суянардик, огирини енгил қилардик. Шу боис, ўша йиллар мен учун қадрли.

Одам қариганда бойлики эмас, ортидан қолган яхши номини ўйлайди. Менинг ҳам бойлигим — фарзандларим, набираларим ва бойлигим — фарзандларим, набираларим ва бундан ортқ давлат бўлмайди.



Дилноза ПРИМҚУЛОВА, “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг қунов-прокатлаш мажмуаси мутахассиси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби

ЎЗА

ОРЗУЛАРИМГА ЯНА БИР ҚАДАМ ЯҚИНЛАШГАН КҮН

Инсон ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, у кунларни йиллар ўтса ҳам унутмайди. Мен учун Президентимиз билан Бекободда бўлиб ўтган учрашув ана шундай эсда қоларли воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари билан мулоқот қилиш, фикрларини билдириш ва бундай юксак эътиборга сазовор бўлишни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Учрашув давомида комбинатда ёшларга яратилаётган имкониятлар, касбим ва меҳнат фойалитим ҳақида сўзладим.

Шу билан бирга, бир орзум ҳақида гапирдим. Болалигимдан шеърятга меҳр қўйганман. Зулфияхошим ижоди, унинг ватанга муҳаббати, ҳаётга қараши менга ҳамиша илҳом бериб келган. У каби эл-юртга садоқатли, ижодкор ва фидойи инсон бўлишни орзу қилганман.

Ёзган шеъримни ўқиб берганимдан сўнг Президентимиз Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлагани мен учун қутилмаган ва унутилмас лаҳза бўлди. Бу қувонч билан бирга катта масъулият ҳам юклайдиган ишонч эканини ҳис қилдим.

Мукофотни фақат эришилган ютуқ эмас, балки олдимга қўйилган яна бир катта мақсад деб қабул қилдим. Энди янада кўпроқ ўқийм, изланишим, ўз устимда ишлашим кераклигини англадим.

Айни пайтда Бекободдаги металлургия комбинати қунов-прокатлаш мажмуасида қабул қилувчи ва топширувчи лавозимда ишляпман. Ёш бўлишимга қарамай, бу соҳада катта масъулият борлигини яхши тушунаман. Ҳар бир иш кунни мен учун янги тажриба ва янги сабоқ.

Металлургия соҳасида меҳнат қилиш инсондан интизом, эътибор ва сабр талаб

қилади. Бу ерда устозларнинг ўрни катта. Мен ҳам тажрибали мутахассислардан ўрганиб, касбим сирларини эгаллашга, жамоамиз ютуқларига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Бугун юртимизда ёшларга билдирилаётган ишонч ва яратилаётган имкониятлар бизни янада катта марралар сари ўндайди. Энг муҳими, берилган имкониятни қадрлаш ва унга муносиб бўлиш керак.

Президентимизнинг билдирган ишончи мен учун катта рағбат бўлди. Бу ишончини оқлаш, ватанимизга, касбимизга ва халқимизга муносиб бўлиш учун янада ғайрат билан меҳнат қиламан.

Инсонда орзу бўлиши керак. Лекин орзунинг ўзи етарли эмас — унга меҳнат, ҳаракат ҳамроҳ бўлса, у, албатта, рўёбга чиқади. Мен буни ўз ҳаётимда ҳис қилдим.

ПЎЛАТДАН ҚУРИЛАЁТГАН КЕЛАЖАК

ускунаси ёки янги электр станциясининг бошланғич нуқтасидир. Иқтисодчи учун эса у мамлакатнинг қўшилган қиймат яратиш қобилиятини белгилoвчи муҳим омил. Металлургияда “ясси прокат” деб аталадиган бу маҳсулот минглаб турдаги sanoat маҳсулотлари асосини ташкил этади. Автомобиль кузови, локомотив ва вагонлар, нефть-газ sanoatида босим остида ишлайдиган қурилмалар, электр трансформаторлари, маиший техника корпуслари, sanoat роботлари, қишлоқ хўжалиги машиналари, контейнерлар, кемалар, металл кўприклар ва ҳатто қайта тикланувчи энергия объектларининг катта қисми айнан листли пўлат асосида тайёрланади. Бу ерда бир муҳим илмий жиҳатга эътибор қаратиш лoзим. Металлнинг сифати фақат унинг кимёвий таркиби билан белгиланмайди. Материалшунослик фанининг асосий қонуниятларидан бири шундан иборатки, металнинг микроузилиши унинг эксплуатацион хусусиятларини белгилайди.

Бекободда ёқилган янги печларда эритилаётгани фақат металл эмас. У ерда янги Ўзбекистоннинг индустриал келажаги тобланмоқда. Ускуналардан чиқаётган ҳар бир пўлат лист юртимизнинг технологик мустақиллиги, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва муҳандислик салоҳиятига қўшилаётган мустаҳкам ҳиссадир.



нида иштирок этса, асосий иқтисодий фойда ни бошқалар кўради. Занжирнинг барча босқичлари мамлакат ичида шаклланса, иш ўринлари ҳам, технология ҳам, экспорт даромадлари ҳам шу ерда қолади. Шу нуқтаи назардан, Бекободда иссиқ прокатланган пўлат лист ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши иқтисод мустақилликини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик қарор сифатида баҳолашни мумкин. Бу қарор орқали Ўзбекистон фақат металл ишлаб чиқарувчи мамлакат эмас, балки металл асосида юқори технологияли маҳсулотлар яратадиган индустриал давлат сифатида янги босқичга кўтарилиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Аслида, мамлакатлар тараққиётини белгилайдиган асосий масала қанча темир рудасига эгалик эмас. Асосий масала ушбу рудани қандай технология билан қандай маҳсулотга айлантириш олинди. Айни йўналишда муносиб ечим топа олган давлатлар sanoatда етакчига айланган. Бугун Ўзбекистон ҳам айнан шу йўлни танламоқда.

Дунё иқтисодиёти тарихига назар ташласак, бир қонуният яққол намоён бўлади: иқтисодий тараққиётнинг барқарор пойдевори, аввало, ривожланган sanoatга, sanoat эса мустаҳкам металлургия базасига таянади.

Бугун дунё иқтисодиётда етакчи ўринларни эгаллаб турган давлатларнинг дeярли барчаси ўз индустриал тараққиётини айнан металлургияни ривожлантиришдан бошлаган. Масалан, табиий темир рудаси захиралари чекланган бўлишига қарамай, XX асрнинг иккинчи ярмида Япония металлургияга замонавий технологияларни жорий этиш орқали автомобилсозлик ва машинасозлик бўйича жаҳон етакчисига айналди. Жанубий Корея ҳам худди шундай йўлни босиб ўтди. Бугун бу мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, кемалар ва sanoat ускуналари юқори сифатли маҳаллий ёки чуккур қайта ишланган пўлат маҳсулотларига таянади. Хитой тажрибаси эса бу қонуниятнинг янада ёрқин намунасидир.



Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида иссиқхона ҳўжаликларини янада ривожлантириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган, атроф-муҳит ва инсонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган иссиқхона ҳўжаликлари Сурхондарё вилоятида ташкил этиладиган эркин иқтисодий зонага кўчирилади. Бунга талай сабаблар бор, албатта.

Ресурсдан — натижага

СУРХОНДАРЁГА КўЧИРИЛАДИГАН ИССИҚХОНАЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ?

“Сурхон-Агро” зонасининг фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этади. Унинг иштирокчиларига ЭИЗ иштирокчилари учун белгиланган айрим солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар татбиқ этилади.

Дунё иқлими ўзгариб бораётгани янгилик эмас. Жазирама кунлар ортиб, ёттигарчилик камайиб кетгани ҳам бор гап. Қурғоқчил майдонлар кенгайиб, бир пайтлар қўқаламзор ерлар ҳам сувсизликдан чўлга айлана бошлади. Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги, сув танқислиги, экология масаласи ўзaro чамбарчас боғланиб кетган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал этишда айнан иссиқхоналар ўзига хос ўринга эга. Бироқ сув ва ер ресурсларини ишлатиш иссиқхоналардан фойдаланишда ҳам қатор талабларни келтириб чиқараётди. Хусусан, шаҳарлашув (урбанизация) жараёнида иссиқхоналарнинг қулай ва хавфсиз манзилларга жойлаштириш ҳам муҳим. Шу сабаб ҳам йирик шаҳарлар ва улар атрофидаги ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот тайёрлаш корхоналарини бошқа мақбул жойларга кўчириш масаласи бежиз қўтарилмаган.

Зарурат ва жараён

Кейинги бир неча йилда пойтахт об-ҳавосининг кескин бўлаётгани кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Хусусан, 2024 йили Тошкент атрофида “яшил” ҳалқа ўрнига амалда кўмирда ишлайдиган ва ҳавонини ифлослантирадиган иссиқхоналардан иборат “кулранг” ҳалқа шаклланиши ҳақида хабар берилган. Ушанда иссиқхоналарнинг 60 фоизи кўмир ёқиб, иситилиши маълум қилинган. Масъул ташкилотлар пойтахт ва унинг атрофидаги иссиқхоналар харитасини ҳам эълон қилган. Йирик аҳоли яшаш манзилларида тоза, мусаффо муҳит яратиш мақсадида иссиқхоналарни ҳудудларга кўчириш ташаббуси илгари сурилди.

Энди Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик, Қибрай, Янгийўл, Зангиота ва Тошкент туманларида атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш мақсадида 2026 йил 1 июндан бошлаб кўмир, мазут ва атмосферага зарарли ёқилгиларидан фойдаланишни назарда тутувчи янги иссиқхона ҳўжаликларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга рухсат бериш тўхтатилди. 2026 йил 1 августдан бошлаб эса мавжуд иссиқхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини қайта қўриб чиқиш ва уларни шахарсозлик ҳамда экологик талабларга мослаштириш мақсадида қатор чеклов ва оширилган тарифлар жорий этилади. Иссиқхоналарга табиий газ етказиб бериш тўлиқ тўхтатилди ва мавжуд шартномалар белгиланган тартибда газ таъминоти ташкилотлари томонидан бекор қилинади.

Иссиқхоналар томонидан истеъмол қилинадиган сув ресурслари учун тўловлар (солиқ ставкаси) саноат корхоналари учун белгиланган энг юқори тарифларнинг 5 баравари миқдорда ҳисобланади.

2026 йил 1 августдан бошлаб эса иссиқхоналарда ёқилғи сифатида кўмир, шиналар, битум, мазут, плёнка, синтетик картон, резина,

жун толаси ҳамда шунга ўхшаш компонентлардан иборат материалларни ёқиб натижасида атроф табиий муҳитни ифлослантиргани ва чиқиндилар жойлаштиргани учун компенсация тўловлари йиғирма бараварга оширилган ҳолда қўлланади.

Мазкур лойиҳа доирасида муҳандислик-коммуникация тармоқларини замонавий талаблар асосида янгилаш ва кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва техник сув таъминоти, автомобиль йўллари ҳамда рақамли алоқа тармоқлари босқичма-босқич такомиллаштирилади. Хусусан, янги электр узатиш тармоқларининг тортилиши ва замонавий трансформатор пунктларининг ўрнатилиши ишлаб чиқариш қувватларини узлуксиз ишлатиш, замонавий иссиқхона мажмуалари ва саноат объектлари учун тўлиқ қувватда фаолият юритиш имкониятини беради. Натижада тадбиркорлар учун ишончли энергетик муҳит шаклланади, янги лойиҳаларни жойлаштиришда қулайлик ортади ва умумий инвестициявий жозибадорлик сезиларли даражада ошади.

— Шеробод туманида “Сурхон-Агро” иқтисодий зонасини бунёд этиш жараёни бошлаб юборилди. Бу ерда электр энергияси билан таъминлаш гуруҳлари ишлаяпти. Мақсадимиз — тадбиркорлар учун пойтахт ва Тошкент вилоятидаги қанчалар ҳам бўлмаган шарт-шароит яратиш, — дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ Сурхондарё филиали директори Маъруфжон Шамсидинов.

Кейинги йилларда вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ҳамда агро-саноат тармогини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Бу борада Президентимизнинг 2026 йил 25 мартдаги “Аҳолини куз-қиш мавсумларида қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари билан барқарор таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур ҳўжатга мувофиқ, Шеробод туманида “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиб, бу ердаги камида 940 гектар майдонда замонавий иссиқхона мажмуаларини ташкил этиш белгиланган. Бундан ташқари, амалий ҳисоб-китоблар ва истиқболли режалар асосида Қўзғирч туманидаги 220 гектар ер ҳам ушбу ташаббус доирасидаги лойиҳага қўшилди.

Натижада “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонаси жами 1160 гектарни қамраб олади.

Мутахасссларнинг айтишича, мазкур лойиҳа оддий аграр ташаббус эмас, балки Сурхондарёнинг иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган стратегик дастур. Замонавий энергия тежамкор иссиқхоналарнинг барпо этилиши йил давомида юқори ҳосил олиш, экспорт географиясини кенгайтириш ва қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Энг муҳими, минглаб янги иш ўринлари очилиб, аҳолининг доимий бандлиги ошади ва даромад манбалари кенгайди. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан сўнг йиллик 126,8 минг тонна маҳсулот етиштирилади ва 18 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қуввати яратилади. Бу ерда 6300 та доимий ва 8000 дан ортиқ мавсумий иш ўринларини очиб қўзда тутилган.

— Бугун Сурхондарё вилоятида замонавий иссиқхоналар кўпайиб, энергия тежамкор технологиялар, томчилатиб сўғориш тизими ва юқори ҳосилли уруғлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса кам ерда ҳам юқори ҳосил олиш имконини берапти, — дейди узоқ йиллардан буён шу йўналишда хизмат қиладиган Ўткир Шаймаев. — Энди Шеробода иш бошлаган янги лойиҳа ортидан Сурхон воҳасининг

илиқ ва қулай иқлим шароити деҳқонлар учун йил давомида қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Куз-қиш мавсумида иссиқхоналарда помидор, бодиринг, қаламипр, қўқат каби экспортбоп маҳсулотлар кўп миқдорда етиштирилади. Шеробода бориб, ажратилган майдонни қўздан кечирдик. Серунум ер, сув муммоси йўқ, логистика учун маъқул локация.

Рағбат

Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик, Қибрай, Янгийўл, Зангиота ва Тошкент туманлари ҳудудидан Сурхондарё вилоятига кўчириладиган иссиқхона ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида воҳадаги “Сурхон-Агро” зонаси ҳудудида фаолиятини давом эттирган тадбиркорлик субъектларига миллий ва хорижий валютадаги кредитларни қайтариш муддати 5 йилга, шундан имтиёзли даври 3 йилгача узайтирилади.

2028 йил 1 апрелгача “Сурхон-Агро” зонаси ҳудудида кўчадиган иссиқхоналар учун иссиқхона конструкцияси ва ускуналарини демонтаж қилиш, таниш ва қайта ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар 1 сотих ер майдонини учун бир марталиқ, бироқ 500 минг сўмгача

миқдорда Умумий миллий экологик муаммоларни бартараф этиш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб берилади.

Иссиқхона ҳўжаликларини кўчиришдан бўшаган ер участкаларида ҳудуд ихтисослигидан келиб чиқиб, интенсив боғдорчилик, узумчилик ва қўчатиқлик йўналишларида фаолиятини давом эттириш ёки “яшил боғлар”ни барпо этишга рухсат берилади.

Бу тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратиши баробарида вилоятларнинг иқтисодий салоҳияти ўсишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

— Қарорга мувофиқ, тадбиркорлар учун барча шароит яратиш қўзда тутилган. Электр энергияси, сув, газ, йўл инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Тадбиркорлар келиб, ҳолат, вазият билан танишиб ишни бошлаб юбораяпти. Чўнки улар вақтини бесамар ўтказмаслик зарурлигини яхши билади, — дейди Сурхондарё вилояти қишлоқ ҳўжалиғи бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Ғафоров.

“Сурхон-Агро” иқтисодий зонаси билан танишув

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш, тадбиркорларга ҳудуднинг инвестициявий ва аграр салоҳиятини яқиндан таништириш мақсадида Сурхондарё вилоятида танишув тадбирлари ўтказилди. Семинарларда қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиги масъуллари, Тошкент вилоятидаги туман ҳокимлари ҳамда ўринбосарлари, тадбиркорлар, фермерлар қатнашди.

Сурхондарёда аҳолининг томорқадан унумли фойдаланишини таъминлаш мақсадида “Томорқачилик мактаби” фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу мактабда тажрибали мутахассслар ер эгаларига уруғ танлаш, қўчат парвариши, минерал озۇқа бериш, зараркунандаларга қарши курашиш ва маҳсулотни бозорга чиқариш бўйича амалий машғулотлар ўтаб келмоқда.

Семинар иштирокчиларига ушбу масканда парвариш қилинаётган экинларни етиштириш технологияси, агротехник тадбирлар ва ҳосилдорликни ошириш усуллари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилиди.

Шеробод туманида барпо этилаётган “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонасида меҳмонларга иссиқхона лойиҳаларини амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар, муҳандислик

коммуникациялари ва инвесторлар учун яратилган қулай муҳит ҳақида ҳам зарур маълумотлар тақдим этилди.

Шу билан бирга, давлат томонидан тақдим этилаётган қўллаб-қувватлаш механизмлари, жумладан, имтиёз ва преференциялар хусусида ҳам атрофича сўз юритилди.

Президентимизнинг мазкур қарори билан Сурхондарё вилояти Шеробод туманида давлат муассасаси шаклида “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади. Натижада туманда камида 940 гектар майдонда замонавий иссиқхона мажмуалари жойлаштирилади. Энергия тежовчи ва муқобил энергия манбаларига асосланган иситиш тизимлари улуши камида 50 фоизга етказилади, атмосфера ҳавосига зарарли ташламалар чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолияти босқичма-босқич қисқартирилади.

“Сурхон-Агро” зонасининг фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этади. Унинг иштирокчиларига ЭИЗ иштирокчилари учун белгиланган айрим солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар татбиқ этилади.

Эркин иқтисодий зона доирасида замонавий логистика, қайта ишлаш, сақлаш ва қadoқлаш инфратузилмаларини шакллантириш режалаштирилган. Бу маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга тез ва рақобатбардош тарзда етказиб бериш имкониятини сезиларли даражада кенгайтиради. Ҳудуднинг иқтисодий тараққиёти ва инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган ушбу ташаббус билан бир қаторда автомобиль йўллари инфратузилмасини яхшилаш, янги йўллар барпо этиш ҳамда мавжуд йўлларни таъмирлаш ишлари ҳам бажарилмоқда. Бу эса логистика жараёнини енгиллаштириб, юк ташиниш ва маҳсулот етказиб бериш самарадорлигини оширади. Ушбу лойиҳа ҳудудни замонавий инфратузилмага эга, иқтисодий фаоллиги юқори саноат ва аграр марказга айлантириши кутулкида. Бугун вилоятда жами 7800 гектарга яқин иссиқхона мавжуд бўлиб, Шеробод туманида Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда фаолият юритаётган иссиқхоналарни кўчириш учун ажратилаётган яна 940 гектар ер ҳисобига воҳа иссиқхоначилиқда катта истиқболли манзилга айланади.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Музаффар одамлар

НАВОЙИЙЛИК ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТ ФОРМУЛАСИ: МУЛОҚОТ, ИМКОНИЯТ ВА ИНТИЛИШ

Мамлакатимиз тадбиркорлари ҳақиқий маънода юртга мададкор бўлиб бормоқда. Ишнинг қўзини биладиган, кичик имкониятдан тоғдек шароит яратга оладиган ишбилармонлар кўпчиликка намуна. Негаки, ислохотлар сабаб тақдим этилаётган имтиёз ва имкониятлар тадбиркорлар ишига унум қўшмоқда. Айни сабаб боис, йил сайин тадбиркорлар сафи кенгайиб, ишсизлик камаймоқда, аҳоли турмуш тарзи яхшиланмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш қўлами кенгайиб, соғлом рақобат муҳитида сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар халқимизга етказиб берилмоқда.

Умуман, кейинги йилларда маҳаллийлаштириш қўлами кенгайиб, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар миқдори ошди. Бу ишлаб чиқарувчига кўпроқ сармоя келтириб, харидорнинг пули ва вақтини тежайди. Шу тариқа саноатда кооперация алоқаларини ривожлантиришга кенг йўл очилмоқда.

Бунин Навоий вилояти тадбиркорлари мисолда ҳам кўришимиз мумкин. Вилоятда тоғ-кон, энергетика, кимё, металлургия саноати ривожланган. Гигант корхоналарнинг ҳар бирида минглаб ишчи меҳнат қилади. Табиийки, улар доим техника, ускуна ва турфа деталлар, ностандарт

жиҳозлар, металл конструкция кабиларга эҳтиёж сезади. Хусусан, ер ости рудаларини излаб топиш, қазиб олиш, ташиш жараёнларида қўлланб техника ва жиҳозлардан фойдаланилади.

Мамлакатимизда кенг қўлчан ёган тадбиркорлик, яратувчанлик руҳи сабаб Навоийда машинасозлик корхоналари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Мазкур соҳада етакчи ўринларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан бири — “Навпромлитмаш” МЧЖга қарашли корхона. Мазкур корхона ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтиришда қўзланган

натижаларга эришиб келяпти. Жумладан, саноат ва маҳаллий автомобиллар учун мингта яқин турдаги ҳаво ва мой филтратлари ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотлар Навоий кон-металлургия комбинати ва бошқа корхоналардан ташқари юртимизнинг барча ҳудудига етказиб берилади.

— Корхонамизда 300 ишчи-ҳодим меҳнат қиладиган бўлса, янги биномини тўлиқ қувватда ишлаш бошлагач, яна 100 та иш ўрни яратилади, — дейди “Навпромлитмаш” МЧЖ раҳбари Иброҳим Файзиев. — Президентимиз ҳар йили тадбиркорлар билан учрашиб, таклиф ва ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаб келади. Ҳатто биз кутмаган даражадаги имконият ва имтиёзлар ҳам тақдим қилинади. Ана шу эътибор натижасида тадбиркорлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Жумладан, корхонамизда асосан машинасозлик ва тоғ-кон саноати учун ускуна ва жиҳозлар тайёрланади. Ҳозир Европа стандартларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг яна бир яхши томони шундаки, бошқа корхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Кон-металлургия саноатидаги техникаларда айнан ўзига мос шаклда тайёрлаш зарур бўлган камёб деталлар кўп учрайди. Бундай эҳтиёт қисмларни илгари хориждан максус буюртма орқали сотиб олинарди. Жараёнда 1-2 ой вақт ўтиб кетарди. Битта техниканинг оёллаб ишламаслиги саноатда жиддий сезилади. Ҳозир айнан шундай деталларни узоғи билан икки ҳафтада тайёрлаб берамиз. Бундан ҳар икки томон ҳам ютмоқда. Мухими, корхонамизда навоийлик ёшлар иш ўрганиб, доимий даромадга эга бўляпти.

Билим, истиқболли лойиҳа ва ҳаракат бирлашган жойда ривожланиш бўлади. Айниқса, бу жиҳатлар тадбиркорлик соҳасида муассам бўлиши иктимой-иқтисодий ўсиш учун мустақам пиллавоя демакдир. Мамлакатимизда ана шундай муҳит яратилгани учун тадбиркорларимиз улкан марралар сари хотиржам, тўсиқларсиз ва илдам бормоқда. Ана шундай тадбиркорлардан яна бири Бахтиёр Ҳамроевдир. У 2007 йилда Навоий шаҳридаги “GIDRO-STANKO-SERVIS” корхонасига асос солган. Бугунги кунда ушбу корхонада 700 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг ноябрь ойида Навоий вилоятига таширифи чоғида “GIDRO-STANKO-SERVIS” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиб, мутасаддиларга маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича топшириқлар берган эди. Айни пайтда корхонада кооперация орқали 100 дан ортиқ қурилма ва мингдан зиёд турдаги эҳтиёт қисмлар маҳаллийлаштирилган.

Ушбу корхона 2007 йилдан 2017 йилгача 50 дан ортиқ турдаги маҳсулотни маҳаллийлаштирган бўлса, ҳозир уларнинг тури 500 дан ошди. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, 2 минг турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Имкониятлар ва бозор талабини инобатга олиб, келгусида янгидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш режалаштирилган.

— Корхонада минора кранларини ишлаб чиқариш асосий йўналишимиздан бири ҳисобланади, — дейди муассаса директори ўринбосари Бахтиёр Ражабов. — Иккинчи

йўналишимиз кон шахта механизмлари, учинчи йўналиши геологик қидирув ишларига зарур бўлган штангал ва насослар ишлаб чиқариши. Тўртинчи йўналиш эса машинасозликдир. Маҳсулотлар юқори сифатни таъминлаш учун юқори технология асосида ишлайдиган ускуналарни олиб келяпмиз. Ҳозир 50 дан зиёд замонавий ускунамиз бор.

Бизнес учун қулай муҳит ва янги имкониятлар худди маблағ каби зарур. Шу боис, 2025 йил август ойида мазкур корхонада автомобиль деталларини ишлаб чиқарадиган янги завод фаолият бошлади. Ҳозир корхона мутахассслари хориждан келтирилган технологиялардан самарали фойдаланиш учун ривожланган давлатларда малака ошириб келмоқда.

— Хориждан технологияларни олиб келишимиз учун Президентимиз божхона тизимида ҳам енгиллик яратиб берди, — дейди “GIDRO-STANKO-SERVIS” корхонаси раҳбари Бахтиёр Ҳамроев. — Имтиёзли кредитлар фаолиятимизни кенгайтиришда катта қўмак бўлмоқда. Замонавий ускуналар Германия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган давлатлардан олиб келиб ўрнатилган. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнига малакали мутахассслар жалб этилган. Юқори сифатли, яхши иш ўнумдорлиги ва катта тезликда ишлайдиган технология ютуқларимизга сабаб бўляпти. Ҳозир асосан хориждан сотиб олинаётган амортизаторларни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Дунё бўйича 8 та пружина заводи бор экан, лойиҳамиз ишга тушса, тўққизинчиси бўлади.

Юқори тажриба ва салоҳиятга эга ушбу корхона мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Раҳбарият, инженер-муҳандислар доимий изланишда. Мавжуд қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича аниқ мақсад ва режалар томон илдам бормоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётида муносиб улушга эга Навоий вилоятида маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш борасидаги лойиҳалар юқори самара бермоқда. Натижада шу вақтгача импортга кетган катта миқдордаги маблағ тежалантири. Яратилаётган янги иш ўринлари эса аҳолининг фаровон турмушини таъминламоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МАРКАЗИ:

мамлакатимизнинг жаҳон сармоя тизимиغا интеграциялашуви йўлидаги стратегик босқич

Ишонч — капиталнинг энг катта кафолати

— Бу қонун Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш ва янги турдаги инвестицияларни жалб қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Энг муҳими, мамлакатимиз Марказий Осиёнинг етакчи молиявий марказларидан бирига айланиши учун янги имкониятлар очилади.

Бу эса юқори малакали иш ўринлари, янги билим ва халқаро ҳамкорлик деганидир, — дейди Хорижий инвесторлар кенгаши котибияти раҳбари Азиз Ғофуров.

Мазкур мақсадда эришишда Тошкент халқаро молия марказининг вазифаларини кенг қамровли бўлади. Марказ банк хизматлари, инвестиция фаолияти, активларни бошқариш, сугурта, ислом молияси, рақамли активлар ва бошқа замонавий молиявий йўналишларни ривожлантириш учун зарур инфраструктурани шакллантиради. Натижада мамлакатга хорижий капитал билан бирга янги молиявий билимлар, илғор тажриба ва замонавий бизнес маданияти ҳам кириб келади.

Тошкент халқаро молия марказининг энг муҳим жиҳати — инвесторлар учун халқаро амалиётга мос, ишончли ҳуқуқий муҳит яратишидир. Чунки бугунги кунда глобал капитал учун асосий мезон фақат даромад ҳажми билан чекланмайди.

Шунингдек, марказга халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг лицензиялари ва резидентларини тан олиш, замонавий ахборот тизимларини интеграция қилиш каби муҳим ваколатлар берилмоқда. Натижада Тошкентнинг глобал молиявий инфратузилмадаги ўрни мустаҳкамланиб, мамлакатнинг халқаро капитал бозори билан алоқалари кенгайди.

Махсус ҳуқуқий режимга эҳтиёж замонавий капитал ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Йирик инвесторлар ўз фаолияти учун аниқ қоидалар, барқарор институтлар ва халқаро тажрибага мос ҳуқуқий муҳитни излайди. Дунёдаги нуфузли молия марказлари тажрибаси ҳам ишончли институтлар мавжуд ҳудудлар узоқ муддатли сармоялар учун жозибадор йўналишга айланишини кўрсатади.

Шу нуқтан назардан, Тошкент халқаро молия маркази Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсатида янги босқични ифодалайди. Унинг асосий аҳамияти ишонч муҳитини шакллантириш, халқаро стандартларни жорий этиш ва мамлакат иқтисодиётини глобал молия тизими билан янада чуқур боғлашдан иборат.

Дунё тажрибаси нимани кўрсатмоқда?

Халқаро молия марказлари оддий банклар ёки инвестиция компаниялари жамланган ҳудуд эмас. Улар глобал капитал ҳаракатини бошқарадиган, инвестиция оқимларини йўналтирадиган ва мамлакатларнинг иқтисодий рақобатбардошлигини белгилайдиган стратегик платформалар ҳисобланади. Бугун трансчегаравий инвестицияларнинг салмоқли қисми айнан ана шундай марказлар орқали жамланади ва қайта тақсимланади. Шу боис, ривожланган давлатлар учун халқаро молия марказини барпо этиш иқтисодий

Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ҳам шунчаки яна бир иқтисодий лойиҳа эмас. Бу Ўзбекистоннинг глобал капитал ҳаракатида фаол иштирок этиш, минтақада молиявий хизматлар экспортини кенгайтириш ва мамлакатни халқаро инвестициялар учун ишончли манзилга айлантиришга қаратилган узоқни кўзлаган стратегик қарордир.

эмас, балки стратегик тараққиёт масаласига айланган.

Бунинг ёрқин мисолини Лондон тажрибасида кўриш мумкин. Асрлар давомида шакланган молиявий инфратузилма, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва инвесторлар ишончини қозongan институтлар туфайли Лондон халқаро молия маркази Буюк Британия иқтисодиётининг муҳим таянчларидан бирига айланган. Бугун ушбу марказ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 12 фоизини, Лондон шаҳри иқтисодиётининг эса 27 фоизини шакллантиради. Молиявий хизматлар экспорти орқали мамлакат иқтисодиётига ҳар йили 88 миллиард доллардан ортиқ даромад келтирилади ҳамда давлат солиқ тушумларининг қарийб 12 фоизи айнан ушбу сектор ҳиссасига тўғри келади. Бу рақамлар молия марказининг бутун

мамлакат иқтисодий ўсишининг драйверига айланишини аниқлатади.

Европанинг яна бир йирик молиявий маркази — Франкфурт ҳам бу борада ўзига хос тажрибага эга. Мазкур марказ ҳар йили Германия иқтисодиётига қарийб 100 миллиард доллар миқдоридати капитал оқимини жалб қилади. Бунинг натижасида ўн минглаб юқори малакали иш ўринлари яратилади. Ҳозирнинг ўзида 70 мингдан зиёд киши айнан молия маркази фаолияти билан боғлиқ соҳаларда меҳнат қилаётди. Келтирилган рақамлар билим, инновация ва юқори малакали инсон капитали учун ҳам муҳим платформа эканини тасдиқлайди.

Ушбу мисоллардан кўринадики, халқаро молия марказларининг қиймати фақат жалб қилинган инвестициялар ҳажми билан ўлчанмайди. Улар юқори малакали кадрларни

тарбиялайди, инновацияларни рағбатлантиради, замонавий ҳуқуқий маданиятни қарор топтиради ва мамлакатнинг халқаро иқтисодий нуфузини мустаҳкамлайди. Энг муҳими, улар иқтисодиётни ташқи хатарларга нисбатан барқарор қиладиган янги ўсиш нуқталарини яратди.

Шу нуқтан назардан қараганда, Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш ҳам шунчаки яна бир иқтисодий лойиҳа эмас. Бу Ўзбекистоннинг глобал капитал ҳаракатида фаол иштирок этиш, минтақада молиявий хизматлар экспортини кенгайтириш ва мамлакатни халқаро инвестициялар учун ишончли манзилга айлантиришга қаратилган узоқни кўзлаган стратегик қарордир. Агар халқаро тажрибада синовдан ўтган институтлар ва ҳуқуқий механизмлар самарали ишласа, келгусида Тошкент ҳам Марказий Осиёнинг йирик молиявий марказларидан бири сифатида шаклланиши учун барча имкониятларга эга.

Тошкент халқаро молия марказининг аҳамиятини фақат жалб этиладиган инвестициялар ҳажми ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан баҳолаб бўлмайди. Марказнинг асосий қиймати Ўзбекистон иқтисодиётида замонавий институционал муҳитни шакллантириши, ҳуқуқ устуворлиги, шаффофлик ва халқаро ишонч тамойилларини мустаҳкамлаши билан белгиланади. Чунки бугунги глобал рақобат шароитида давлатларнинг устуңлиги нафақат ресурсларни, балки ишончли институтлари ва самарали бошқарув тизими билан ўлланади.

Ўзбекистон танлаган йўл айнан шу тамойилларга асосланади. Тошкент халқаро молия маркази мамлакатнинг глобал иқтисодий тизимга интеграциялашувини тезлаштирадиган, минтақада янги молиявий экотизимни шакллантиришга хизмат қиладиган стратегик институтга айланиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, марказнинг ҳақиқий самараси унинг ҳуқуқий асослари амалиётда қай даражада ишлашига боғлиқ. Суд мустақиллиги, регулятор фаолиятининг холислиги, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши ва белгиланган қоидаларнинг изчил қўлланилиши асосий мезон бўлиб қолади.

Тажриба шунини кўрсатадики, нуфузли молия марказлари фақат замонавий инфратузилма орқали эмас, аввало, ишонч муҳити орқали шаклланади. Ана шу ишонч мустаҳкамланган тақдирда, Тошкент халқаро молия маркази Ўзбекистон иқтисодиётининг янги ўсиш нуқтасига, мамлакатнинг минтақавий ва халқаро молия майдонидаги ўрнини белгилайдиган муҳим институтга айланиши мумкин.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таҳлил

Жаҳон иқтисодиёти ва глобал капитал харитаси кескин ўзгараётган, глобаллашув ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган шароитда сугурта бозори иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, мазкур бозор иқтисодий субъектлар фаолиятини кафолатлаш, капиталнинг самарали тақсимланиши, аҳоли фаровонлигини сақлаш ва давлат молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Қобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси ўринбосари

Британия, Франция, Нидерландия каби давлатларда бу кўрсаткич анча юқори, ҳатто 10 фоиздан ҳам ошади. АҚШда 3000 га яқин сугурта тури бўйича хизмат кўрсатади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ўртача 150 тани ташкил этади. Янни бизда ҳали соҳа учун кенг майдон мавжуд.

Ўзбекистон сугурта бозори аниқ меҳанизмларга асосланган изчил сиёсат натижасида аста-секин ривожланмоқда. Сўнгги беш йил статистикасига кўра, сугурта мукофотлари ҳажми деярли 6 баробар ўсган, бу бошқа молиявий соҳалар кўрсаткичидан анча юқори. Бироқ соҳа олдиди ўз ечимини кутаётган бир қанча масалалар бор. Бошқа сугурта компаниялари билан ҳамжиҳатликдаги ҳаракат орқали сугурта бозори ривожланишига эришиш мумкин. Бунинг учун сугурта хизматлари қамрови ва сифатини,

кадрлар малакасини ошириш, хизматларни рақамлаштириш устиди ишлаш керак. Иккинчи томондан, миқдорларнинг келажақда сугурта хизматларидан малакали фойдаланиши ва тўғри танловни амалга ошириши учун аҳоли ўртасида сугурта маданиятини тарғиб қилишни фаоллаштириш лозим.

Бугунги кунда сугурта бозориди 36 та сугурта ташкилоти иккита йўналишда (шулардан, 27 таси умумий сугурта ва 7 таси ҳаётни сугурта қилиш ва биттиси фақат қайта сугурта соҳасида) фаолият юритмоқда. Шунингдек, сугурта бозориди профессионал иштирокчилар ҳисобланган 5 мингга яқин сугурта агенти, 11 та сугурта брокери, 7 та актуарий ва ассистанс, аджастер ва сорвейер бор. Сугурта ташкилотларида қарийб 6 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йилда Ўзбекистондаги умумий сугурта мукофотлари 13,46 триллион сўмга етди, бу аввалги йилдагига нисбатан 37,8 фоиз кўндр. Бозорнинг асосий қисми аънаваний умумий сугурта ҳисобланади, унда йигимлар 12,88 триллион сўмин ташкил этди. Ҳаёт сугуртаси сегменти эса юқори динамика кўрсатди — мукофотлар 104,8 фоиз ўсиб, 586,48 миллиард сўмга етди.

Сугурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти 46 фоиз ўсди, умумий сармоя ҳажми эса 9,55 триллион сўмдан ошди. Депозитлар портфелнинг асосини ташкил қилмоқда — 6,03 триллион сўм. Ўсиш — 31,7 фоиз. Энг динамик актив кўчмас мулк бўлиб, унга инвестициялар 1,65 триллион сўмга етди. Фаол сугурта шартномалари сони 13 миллиондан ошди, янги контрактлар сони 12,8 миллионни ташкил қилди. 2026 йил бошига сугурта компанияларининг умумий мажбуриятлари 3,81 квадриллион сўмга етиб, йил давомида 41,1 фоиз ўсган.

ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРИ
ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?

Шу ўринда сугурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилатганига ҳам тўхталиб ўтсак. Ўтган йил якунига кўра, ваколатли давлат органига келиб тушган жами 3228 та мурожаатдан 1640 таси (яъни 50,8%) ижобий ҳал қилиниб, 21,5 миллиард сўм сугурта қопламаси тўлаб берилган. Мурожаатларнинг 1536 тасида келтирилган масала ва муаммолар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. 2026 йилнинг уч ойида келиб тушган 871 та мурожаатдан қарийб 46 фоизи, яъни 397 таси ижобий ҳал қилиниб, тўланиши таъминланган сугурта тоновлари миқдори 6,5 миллиард сўмин ташкил этди.

Мурожаатларда кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, соҳага оид қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномалари бўйича тонов тўлаш мажбурияти сугурта ташкилотлари томонидан лозим даражада бажарилмаётган ҳолатлар кўп учрайди. Шу боис, “Давлат божни тўғрисида”ги қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, фуқаролик ва иқтисодий судларга мажбурий сугурта шартномаларидан келиб чиқадиغان даъволар бўйича сугурта қилдирувчилар (сугурталанган шахслар, наф олувчилар, жабрланувчилар) мурожаат қилганда давлат божни тўлашдан озод этилди.

Бундан ташқари, Сугурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисида қонун тасдиқланди. Унга мувофиқ, барча сугурта полислари электрон шаклда расмийлаштирилади. Барча сугурта даъволари ягона тизимда рўйхатдан ўтказилади. Бу сугурта тўловларига оид аризалар қўриб қилинишини мониторинг қилишда қўл келади.

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Ислохотлар амалда

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР –
ЮКСАК ЭЪТИРОМ

Инсон қийналган дамларда унга суянчиқ бўлиш, моддий-маънавий кўмак бериш халқимизга хос ғазилат. Бу каби ўлмас кадрийлар кейинги йилларда янада кенг тус оляпти. Айниқса, ўзгалар парваршига муҳтож ёлғизлар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, манзилли хизматлар кўламини кенгайтиришда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимли ишлар қилиб келмоқда.

Ҳозир вилоятимизда ногиронлиги бўлган 96,7 минг киши яшайди. Кейинги уч йилда 17 мингдан зиёд муҳтож шахс сифатли протез-ортопедия маҳсулотлари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди. Жарроҳлик амалиётидан сўнг Қувасой шаҳрида яшаётган Абдумуталиб Кенжаевнинг оғир хасталик сабабли бир оғи ампутиация қилинган. У авваллари оғир ва ҳаракатланиш ноқулай протездан фойдаланган. Маҳалладаги ижтимоий ҳодимнинг аризасига асосан, ҳамюртимизга замонавий модулли сон протези олиб берилди. Абдумуталиб ака бу амалий ёрдамдан кечис миннатдор. Энди у бошқалар қатори жамиятимизнинг фаол аъзоси. Ҳаёти ҳам бирмунча енгиллашди.

Фарғонада ўзгалар парваршига муҳтож 2368 киши яшайди. Уларга ҳар жиҳатдан ёрдам



“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида ўзгалар парваршига муҳтож шахсларга ваучер асосида 5 турдаги хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган. Ҳозирга қадар ушбу хизматлардан фойдаланиш учун 10 мингга яқин шахсга ваучер тақдим этилди. Уларга қундузги қатнов асосида қараб туриш, уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам, тиббий-ижтимоий реабилитация, шахсий ёрдамчи хизмати йўналишларида амалий ёрдам бериб келинаётгани оилаларга янги ҳаёт нафасини олиб кирмоқда.

Утган даврда таъйиқ ва зўравонликка учраган 15 минг 169 хотин-қизга ҳимоя ордери берилиб, ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган 7116 шахс адатив спортга жалб қилинди. 10 минг 268 ҳамюртимиз агентлик тасарруфидати 11 та сихатҳоҳларда соғломлаштирилди.

2025-2026 йилларнинг куз-қиш мавсумида 118 минг 654 эҳтиёмжанд оилага 1 миллион сўмдан, жорий йил Рамазон ойи муносабати билан эса 74 минг 695 оилага умумий қиймати



Саидфаррух ИСЛОМОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи

зиёд оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Оғир ва ногиронликка олиб келувчи касалликларга чалинган 1300 болани даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун зарур маблағлар йўналтирилди. Ётим ва ота-она қарамоғидан маҳрум 654 бола учун ўтган йил сўнггида 500 ҳамда бу йилги Қўрбон ҳайитида 200 доллар миқдорида банк депозитлари шакллантирилди.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёмжанд қатламларга комплекс ёрдамлаштириш ҳамда ижтимоий хизматларни қулай ва инсонпарвар тамойиллар асосида етказиш имкониятини берапти. Натижада аҳолининг ижтимоий муаммолари тезкор, шаффоф ва самарали ҳал қилинаётди. Бинобарин, ижтимоий ёрдам турларини тайинлаш ва етказиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг уйига чиқиб ўрганиш, эҳтиёмжандараксини аниқлаш, зарур ижтимоий хизматларнинг тўғри ва ўз вақтида кўрсатилишини таъминлаш, психологик ва ҳуқуқий масалаларда бепул маслаҳат бериш, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай инфратузилма яратилишини ташкил этиш, протезлаш, реабилитация ва ижтимоий мослашувга ёрдам бериш бугуннинг устувор йўналишларидан.



бериш чоралари қўрилатди. Ҳар бири учун якка тартибда дастур шакллантирилган ҳолда ижтимоий хизматлар йўлга қўйилди. Белгиланган тартибга мувофиқ, барчаси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, 1546 нафари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бепул дори-дармон билан таъминланмоқда.

50,6 миллиард сўм бўлган бир марталик моддий ёрдам манзилли етказилди. Утган уч йилда ижтимоий реестрда турувчи 80 мингдан ортиқ оилага электр энергияси ва тиббий газ истеъмоли учун 15,8 миллиард сўм компенсация тўлаб берилди. Бундан ташқари, жорий йил Қўрбон ҳайити арафасида 23 мингдан

Бугуннинг гапи

Мамлакатимизда фармацевтика тармоғи жадал ривожланаётган ва кенг камровли йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикаимизда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилувчи 13 минг 828 та ташкилот фаолият юритмоқда. Шундан 7998 таси асосий дорихона, 5830 таси филиал ҳисобланади. Бундан ташқари, дори воситаларини тайёрловчи 106 та ташкилот, дори воситалари ишлаб чиқарувчи 61 та ҳамда улгуржи реализация қилувчи 456 та корхона мавжуд. Булар оддий рақамлар эмас. Тармоқда бутун бошли тизим яратилганидан далолат.

Бундай тизимда қонунчилик талабларига қатъий риоя этилиши, дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ва муомаласи устидан самарали давлат назоратини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, фармацевтика йўналишидаги ҳар қандай қоидабузарлик одамлар саломатлигига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази томонидан соҳада давлат назорати замонавий ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда. Назорат тадбирларининг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларини жазолаш эмас, балки қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалол ишлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, сифатсиз ва хавфсизлиги қафолатланмаган дори воситаларининг муомаласига кириб келишининг олдини олиш ҳамда аҳоли маънавиятини ҳимоя қилишдан иборат.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида республикаимиз бўйлаб 634 та назорат тадбири амалга оширилди, — дейди марказ бошқарма бошлиғи Дониёрбек Мансурбеков. — Уларнинг 125 таси юқори хавф даражасига эга деб топилган субъектларда ўтказилди. Мазкур ёндашув назорат тадбирларини тасодифий эмас, балки хавф омиллари юқори бўлган йўналишларга қаратиш имконини бермоқда. Бу эса бир томондан ҳалол фаолият юритаётган тадбиркорларни ортиқча текширувлардан асраса,

ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИ

саломатликнинг ишончли ҳимояси



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



иккинчи томондан қонунбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган субъектлар устидан самарали назоратни таъминлайди. Назорат тадбирлари давомида аниқланган қоидабузарликлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий баҳоланди. Хусусан, суд қарорлари асосида 33 та дорихонанинг лицензияси бекор қилинди. Эътиборлиси, ушбу ҳолатларнинг 6 таси дори воситаларининг давлат томонидан белгиланган нархларига риоя қилинмагани билан боғлиқ. Бундан ташқари, 64 та дорихона бўйича лицензияни бекор қилиш юзасидан иктисодий судларга даъво аризалари киритилган бўлиб, мазкур ишлар ҳозирда кўриб чиқилмоқда.

Шунингдек, назорат натижаларига кўра 256 та дорихонага нисбатан маъмурий ҳаёбатлиқ, 33 та тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий таъсир чоралари қўлланилди. Ҳозир яна 68 та корхона фаолиятига оид тўпланган ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ тегишли чораларни кўриш учун судга тақдим қилинган.

Назорат натижалари соҳада фақат камчиликлар мавжудлигини аниқламайди. Ўрганишлар якунида 30 та тадбиркорлик субъектида қонунчилик талаблари тўлиқ бажарилгани аниқланиб, уларга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилмади. Бу эса ҳалол тадбиркорлар сони ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

Тадбиркорларга амалдаги қонунчилик талаблари юзасидан мунтазам тушунтиришлар берилиши, методик кўмак кўрсатилиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар назоратнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Зеро, қонунбузарлик содир этилгандан кейин аниқлашдан кўра, унинг олдини олиш анча самарали ҳисобланади.

Фармацевтика бозори жадал ривожланиб бораётган бир пайтда назоратнинг замонавий, шаффоф механизмларини қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу тизим бир томондан ҳалол тадбиркорликни қўллаб-қувватласа, иккинчи томондан қонун талабларини меъсимасдан фаолият

юритаётган субъектларга нисбатан муқаррар ҳуқуқий чоралар қўрилишини таъминлайди.

Қонун талабларига қатъий риоя этиш, ишонч, сифат ва инсонпарварлик тамойили устувор бўлган соҳада инсон ҳаёти ҳамда саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш бош мезонга айланиши муқаррар. Соҳада қонун устуворлигини таъминлаш баробарида аҳолининг дори воситаларини тўғри танлаш ва қўллаш, ишончли тиббий ахборотни ажрати олиш кўникмаларига эга бўлиши бугун ҳар қачондиган муҳим.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари ва айрим оммавий ахборот воситаларида рецеттсиз бериладиган дори воситалари рекламаси тобора кўпаймоқда. Реклама истеъмолчига маҳсулот ҳақида тўғри ахборот бериши талаб этилади. Бунда фуқарони жалғитиб нотўғри қарор қабул қилишига сабаб бўлмаслиги лозим. Дори воситалари рекламасига қўйилган қонунчилик талаблари қандай? Қайси ибораларни ишлатиш мумкин эмас? Нега дори воситаларини четгирма ва совғалар билан реклама қилиш чекланган?

— Реклама ҳеч қачон шифокор маслаҳатининг ўрнини боса олмайди, — дейди

марказ бўлими бошлиғи Сабоҳат Ҳайитова. — Унинг асосий вазифаси истеъмолчига маҳсулот ҳақида ишончли ва хolis маълумот беришидир. Бироқ у фуқарони жалғитиши ёки нотўғри қарор қабул қилишига сабаб бўлиши мумкин эмас. Шу боис, дори воситалари рекламасига нисбатан қонунчиликда алоҳида талаб ва чекловлар белгиланган.

Рекламаларда “энг самарали”, “энг хавфсиз”, “100 фоиз натижа беради”, “ҳеч қандай ноқуя реакцияси йўқ” каби иборалар учрайди. Бундай иборалар истеъмолчида дори воситаси мутлақо хавфсиз ва ҳар қандай ҳолатда ҳам фойда беради, деган нотўғри тасаввур уйғотиши табиий. Аслида, ҳар қандай дори воситаси организмга маълум даражада таъсир кўрсатади. Ҳатто рецеттсиз сотиладиган дори воситалари ҳам айрим ҳолларда ноқуя реакцияларни келтириб чиқариши, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирга кириши ёки айрим беморларга тавсия этилмаслиги мумкин. Шу сабабли қонунчиликда дори воситасини ноқуя реакцияларга мавжуд эмаслиги жиҳатидан ноёб, энг самарали ёки энг хавфсиз деб реклама қилиш тақиқланган.

Баъзан рекламаларда дори воситаси “табиий маҳсулот”, “оддий биологик фаол қўшимча” ёки “косметик восита” сифатида талқин қилинади. Бу ҳам истеъмолчининг жалғитиши мумкин бўлган усуллардан биридир. Чунки дори воситаси, биологик фаол қўшимча ва косметик маҳсулотлар турли ҳуқуқий мақомга эга. Уларни ишлаб чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш, сифатини назорат қилиш ҳамда қўллаш тартиби бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли рекламада ушбу маҳсулот турларини бир-бирига тенглаштириш ёки нотўғри талқин қилишга йўл қўйилмайди.

— Рекламаларда бошқа дори воситалари билан таққослаш ёки даволаниш натижасини қафолатлаш мумкин эмас, — дейди С.Ҳайитова. — Қонунчилик рекламаларда бошқа дори воситаларини асосиз равишда ёмонлаш ёки ўз маҳсулотини улар билан нотўғри таққослашни тақиқлайди. Шунингдек, “бу дори сезин, албатта, даволайди”, “натижа қафолатланади”, “100 фоиз фойда беради” каби иборалардан фойдаланишга ҳам йўл қўйилмайди. Чунки бир хил касалликка чалинган икки беморнинг даволаниш натижаси ҳам организмнинг индивидуал хусусиятларига қараб турлича бўлиши мумкин.

Баъзи рекламаларда дори воситасини қабул қилмаслик инсон саломатлиги ёмонлашишига олиб келиши мумкин деган таассурот уйғотади. Бу эса фуқароларда асосиз қўрқув пайдо қилади. Уларни шифокор тавсиясиз дори харид қилишга ундаши мумкин. Шу сабабли бундай мазмундаги рекламаларга ҳам қонун йўл қўйилмайди.

Рецеттсиз бериладиган дори воситалари рекламаларида қандай мажбурий огоҳлантириш бўлиши керак деган ҳақли савол турғилиши мумкин. Бу ҳам жуда муҳим талаб ҳисобланади. Ҳар бир рекламалар дори воситасини қўллашга қарши кўрсатмалар мавжудлиги, фойдаланишдан олдин йўриқнома билан танишиш ёки мутахассис маслаҳатини олиш зарурлиги ҳақида аниқ огоҳлантириш бўлиши шарт. Мазкур огоҳлантириш

икки босқичда ўтказилди. Дастлабки турда назарий билимларимиз баҳоланган бўлса, иккинчи босқичда тажриба-синов амалиётларини бажардик. Муҳими, бу биз учун катта тажриба майдони бўлди. Келажакда билимларимизни янада мустаҳкамлаб, бундан-да яхшироқ натижалар қайд этиш, пировардда эса ватанимиз учун керакли кадр, халқимизга муносиб фарзанд бўлиш мақсади йўлида ўз устимизда тивнимсиз ишлашга илҳом бахш этди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда физика саноат, энергетика, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, космик тадқиқотлар ва замонавий муҳандислик йўналишларининг илмий пойдеворини ташкил этади. Шу боис, ушбу фан бўйича халқаро майдонда эришилаётган ютуқлар келажакда юқори малакали олимлар, муҳандислар ва инноваторлар сафи кенгайишга хизмат қилиши турган гап.

Колумбияда қайд этилган мазкур тарихий натижа Ўзбекистон ёшлари дунёнинг энг кучли билим эгалари билан тенг рақобат қила олишини яна бир бор тасдиқлади.

Том маънода илм қарвонининг бугунги пешқадамлари томонидан халқаро фан олимпиадасида қўлга киритилган медаллар ёш авлоднинг илм-фанга бўлган қизиқишини янада қучайтириш, янги истеъодларни кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги савий-ҳаракатларини янги босқичга олиб чиқиш учун ҳам ўзига хос рағбат вазифасини ўташи шубҳасиз.


Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хушхабар



ИЛМ ҚАРВОНИНИНГ
ЁШ ПЕШҚАДАМЛАРИ

2026 йил 15 июль, 142-сон



ЯНГИЛАНИШЛАР — ЗИЁЛИЛАР ТАҚДИРИДА



Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг илк дадил қадамлари илм-фан соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни бир зарб билан бартараф этишдан иборат бўлди. Давлатимиз раҳбари илм-фан номояндалари билан нуфузли учрашув ўтказди ва долларб вази-фалар ечимини кўрсатди. Утган даврда Ўзбекистон Фанлар академиясининг қатор илмий тадқиқот институтлари олий ўқув юртиларига қўшиб юборилган, айримлари эса таназзул ёқасида турган эди. Жамоатчилик ўртасида Фанлар академияси тизими умуман қисқариб кетади деган шов-шув юрарди. Айниқса, гуманитар йўналишдаги илм ўчоқлари нажотга муҳтож эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Пушкин номидаги Тил ва адабиёт инсти-тути Алишер Навоий номидаги Адабиёт ва Махмуд Қошғарий номидаги Тилшунослик институтига ажратилганди. Бу улугвор илм-гоҳлар бир ховучгина илмий ходимлардан ташкил топган эски Тил ва адабиёт инсти-тути ҳолатига қайтарилди. Институт таркибида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубов раҳ-барлигида маҳсулдор ишлаган, 40 дан ортқ соҳага оид атамашунослик лугатларини яра-тиб, нашр эттирган Атамашунослик қўмита-си қисқартириб юборилди. Неча ой ҳукумат қарорларини кутиб Москва остоналарида саргайган профессор Ҳамид Сулаймон бар-по этган Кўлэмалар институти кичкинагина Адабиёт музейи даражасида қисқартирилган эди. Бу салбий ҳодисалар мустақиллик дав-рида содир этилганига ишонинг келмайди, одам. Наҳотки, куппа-кундузи, мустақиллик тантанаси гуриқараётган йилларда-я?! Бу мудҳиш хатоларни ким, қайси одам амалга оширди? Айни ўзгаришлар нима сабабдан, қайси мақсадга тезорлик билан содир этил-гани ҳамон англашларга эмас.

Ахир бир илмий муассасани бунёд этиш нақадар мушкул! Барбод этиш эса биргина қарор билан ижро этилади, вассалом. Гўё Ҳусайн Бойқаро масту аластлигида салтанат келажги, шахзода Мўмин Мирзо қатли учун фармон тайёрлаб, муҳр бостириб олинган-дай. Гўё йўқликка ўш туттан бу зинэ маскан-лари Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов сатрлари билан “Билмадим, қайси кун, қай-си дамдадир менинг қисматимга чанг солди сийёб!” дея фарёд чекаётгандай. Давлат тили, мустақиллик учун жангавор курашган зиёли қаплам нечун сукут сақлади ўша йилларда? Негат Истиқлол арафасида бир мушт бўлиб тутилган, жумбулша келган зиёлилар жамоа-си гўё кумга сингиб кетган сувдай беташир қолди? Ҳа, тургулик, денсинчи йиллари-даги қароҳат, яъни умумжамоавий қарактлик яна тақорланди. Бугун бунинг сабабларини жамоатчилик яхши билади.

Хайриятки, Оллоҳ нигоҳбон! У халқимиз-га янги нажоткор давлатбошини насиб этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кўплаб илмий тадқиқот институтлари таназзул ёқасидан қайтарилди. Филологик илмий-тадқиқот маркази Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фолькло-ри институти сифатида қайта тикланди ва

Давлат ва жамият ҳамиша янгиланишларга эҳтиёж сезиб яшар экан. Амалга ошганига 35 йил тўлаётган Истиқлол шарофати билан юртимизда янги давлат ва жамият барпо этилди. Ўзбекистон ўзининг дастлабки чорак асрлик ҳаётида катта ривожланиш йўлига чиқиб олди. Шу билан бирга, тарихда мисли кўрилмаган бозор иқтисодиёти тизимига ўтилиши муносабати билан, иқтисодиёт ва маънавиятни баравар раванқ топтиришга ҳар қанча уринилмасин, қатор ижтимоий муаммолар майдонга келди. Кейинги 10 йиллик тараққиёт босқичида мана шу муаммоларни бартараф этиш билан бирга Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга ошириш сари дадил ва жадал ҳаракатлар кучайиб кетди.

равнақ йўлига қўйилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш де-партаменти тузилди ва унинг таркибида Ата-машунослик комиссияси жорий этилди. Ўз-бекистон Фанлар академиясига умидли янги президент сайланди.

Фанлар академиясининг аҳволи, шу жум-ладан, ҳар беш йилда бир марта ўтказилиши лозим бўлган академиклар сайлови 23 йил назардан четда қолиб кетган эди. Оқибатда кўп фан даргалари қартайиб, вафот этиб, ака-демик олимлар сафи сийрақлашиб қолди. Ке-йинги 10 йилда Фанлар академиясида 2 марта сайлов ўтказилди ва академиклар сафи бир қадар тўлдирилди. Бу тадбирлар Президентимиз томонидан донишмандлик ва некинлик билан амалга оширилди. Бамисоли миллий маънавиятимиз даҳоси Алишер Навоийнинг қўйидаги ўғитларига риоя қилинди:

**Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур сўзки пайлаббарга таъзим.
Ҳадис ўлимиш набидин уйла ҳодис
Ки, “Олим келди пайлаббарга ворис”.**

Ўз-ўзидан илмий жараён ҳам катта му-дат тўхтаб қолган эди. Бу қадрлар захираси қамайишига олиб келди. Жамиятда илмий са-лоҳият пасайиб кетди. Илмий даражали етук олимлар ўз вақтида ўзлари муносиб бўлган илмий унвонларини қўлга кирита олмай қо-лди. Оқибатда доцент, профессорлар таркиби қамайиб кетди. Бир сўз билан айтганда, илм ва олимлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бу соҳада ҳам Президентимиз ташаббускор ва нажоткор бўлди. Ҳамма вилоят ҳамда шаҳар-лардаги институт ва университетларда химоя-вий илмий кенгашлар очилди. Магистратура ва докторантурага кўплаб ўрин ажратила бошланди. Докторантларга катта, бир ойлик миқдордаги стипендия тайинланди. Илмий тадқиқотларнинг химояси йўлидаги бюрократ-тик тўсиқлар мумкин қадар бекор қилинди. Диссертация ёқлаш осонлаштирилди.

Пенсия ёшигача хизмат қилиб қўйган зиё-лар бир неча тахликали йилларни бошларидан кечиришларига тўғри келди. Иш берувчилар пенсия ёшидаги зиёлиларга иш бермай қўйди. Оқибатда 60 ёшдан ошган, билим захираси бутун ва тафаккури пишиб етилган талай про-фессор-ўқитувчилар иш жойларини тарк этиш-ча мажбур бўлди. Уларнинг баъзилари илмий фаолиятларини мустақил давом эттирсалар-да, аксарияти илмдан чиқиб кетди. Қолбуки, бу даврдаги пенсия ёшидаги зиёлиларни қучдан қолган, қартайган, тафаккур қобилияти пасай-ган, ишчанлик ва маҳсулдорлик қобилияти за-ифлашган деб қараш нотўғри эди. Аксинча, ола-ташар, ўта мураккаб, зиддиятли ўттиш даврида қасланган ёш ва ўрта ёшли мутахассисларга

нисбатан 60 ёшли зиёлилар мафкуравий жиҳат-дан етук, қатъиятли, ҳаракатчан, интизомли, меҳнатда тобианган, тафаккур ва ижодкорликда пишиб етилган, илмда ва ўқитувчиликда маҳ-сулдорларлар.

Бу авлоднинг яна бир томони қадрлики, у икки аср — йигирманчи ва йигирма бирин-чи аср муҳитини бошидан кечираётган, икки ижтимоий-сиёсий тузум — социализм ва бо-зор иқтисодиёти тажрибаларида синалган, дунёқараш кенгайган, мустақиллик неъмат-ларининг қадрига кўпроқ етадиган сулола-дир. Шавкат Мирзиёев иқтидорига келганидан кейин етук профессор-ўқитувчилар яна таъ-лим ва олий таълим даргоҳларига қишра қа-қириб олинди. Уларнинг маҳсулдор илмий-маъ-рифий фаолиятларини давом эттиришларига шарт-шароит яратилди. Бу зиёлиларга катта эътибор, илм ва олимни қадрлаш, инсоний-лик намунаси бўлди. Шу билан бирга, илм-фан ўчоқларининг бағри яна зукко, сермахсул олимларга тўлди. Илм-фаннинг гуриқараб ри-вожланишига катта имконияти яратилди.

Ижодий меҳнат кучоғига қайтган салоҳи-ятли олимлар кейинги ўн йилда қатор илмий китоблар, мағзи тўқ мақолалар яратишга му-ваффақ бўлди. Илмий-ижодий фаоллик ин-соннинг умрини ҳам узайтирар экан. Мисол тариқасида улуг бир алломанинг тақдирини келтириш мумкин. Филология фанлари до-ктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий та-баррук 90 ёшигача талабаларга дарс берди. Унинг меҳнат интизми, қирқ яшар навқирон йигитлариди ихчам қомати билан қирчиллаб юриши, очик чеҳралиги, талабаларга мазму-вий дарс ўттиши, чуқур билим бериши, сайқал топган нотиклик маҳорати, адабиёт дурдона-ларини ёддан айтиб сабоқ берувчи қомил хо-физаси ҳаммиса ёш муаллимларга ўрнак эди. Ҳар йили нуфузли наشريётлар ҳамда матбуот саҳифалари орқали янги китоб ва мақолалар эълон қилиб, ёшларга ибрат бўлиб юрарди. Оқсоқол профессорнинг хатти-ҳаракатлари ва нуруний чеҳрасида ҳаётсеварлик, кела-жакка ишонч руҳи балкиб турарди. Вафоти-дан уч кун илгари ўқув йилидаги дарсларини яқунлади. Дарсдан чиқиб, кафедрага кирар-кан, “Мен охириги дарсимни ўтиб чиқдим”, дея шуқроналик билдирди. Эвоҳки, бу устоз мураббийнинг семестрадагина эмас, балки ҳаётидаги сўнги сабоғи бўлиб қолди. Айт-моқчимизки, алломанинг умри баракали бў-лишида ижодий ишларнинг завқи ва лаззати, маърифий жамоанинг қайноқ тафти, шоғирд таёйёрлашининг шавқи ҳамда маҳсулияти ҳам аҳамиятга эга бўлди. Акс ҳолда, зиёли иш-сиз қолса, жамоадан узилса, у тушқунликка юз туттиши, илм, ижод ва дунё ишларидан



совуши, бўшашиши, жисмоний-ақлий са-лоҳиятини эрта йўқотиши ҳам табиий ҳол бўларди.

Президентимизнинг зиёлипарвар қарори билан фалсафа доктори (PhD) илмий даража-сига эга бўлган олимларга 30 фоизгача, фан докторларига 60 фоизгача қўшимча (устама) ҳақ белгиланиши нур устига нур бўлди. До-цент ва профессорлар 15-20 миллион сўм, айрим хусусий университетларда ундан ҳам кўпроқ ойлик олиб ишлашга муюссар бўлди. Бу ўқитувчи зоти тақдирда тарихда кўрил-маган фаровонлик дея тан олинса, тўғри бўларди назаримда. Профессор-ўқитувчи-нинг қўли пул кўрадиган, у бемалол машина олиш, хусусий уй-жой барпо этиш, чет эл-ларга сафар қилиш, оромгоҳларда дам олиш, қиналмасдан тўйлар қилиш, фарзандларини эсон-омон воғга етказиб, яхши боғча, мактаб ва олий ўқув юртиларида ўқитиш, китоб ва мақолаларини хорижий мамлакатларда ҳам чоп этириш имкониятига эга бўлди. Ушбу илмий-маърифий ижод аҳлининг илҳом ва рағбат олиб, янада маҳсулдор фо-лият кўрсатишига муҳим омил бўлди.

Бундан ўн йил аввал ишлайдиган пенсio-нерлар пенсия пулининг яримсини оларди. Пенсия пулини наҳд олиш муаммо эди. Янги ҳокимият бу мушкулни ҳам бартараф этди. Фуқаролар тўлиқ лавозимда ишлаб, пен-сия пулини ҳам тўлиқ олиб яшаппти. Бу ҳам фуқаропарварликнинг ёрқин намунаси. Маз-кур испохот, айниқса, зиёли пенсioнерларга кўрсатилган беназир мурувват бўлди.

Бадий ижод маҳсулларини, адабий мерос ёдгорликларини нашрга тайёрлаш ва нашр этишга янгича эътибор пайдо бўлди. Ҳукумат раҳнамолигида “Ўзбек адабиёти хазинаси-дан” 200 томлигида адабий мерос намуналарини, замонавий адабиёт асарларини чоп этиш йўлга қўйилди. 2025 йилда қирққа яқин китоб босма-дан чиқди. 2027 йилгача 200 томинг ҳаммаси-ни халқ тасарруфига етказиш режалаштирил-ган. Бу ҳам зиёлиларга катта ҳамият тимсоли. Чунки кўп йиллик машаққатли ижодий меҳнат натижасида яратилган адабий мерос матнлари-ни кўнгилдагидек тўлиқ нашр этиш ҳар қандай зиёлига насиб этмаётган эди. Тадқиқ этилмай, кўлэмалар хазинасида саргайиб ётган буюк адабий ёдгорликлар кўп эди.

Шахсан камина ҳам Шермуҳаммад Мунис Хоразмийнинг “Мунис ул-ушшук” девонини катта маблаг талаб қилиниши сабабли нашр эттира олмай армонда эдим. Эълик йиллик меҳнатини сингитан ушбу мукамал девон қўл-ёзмаси 2025 йил “Ўзбек адабиёти хазинаси”-нинг 37-жиди сифатида гўзал русумда, му-наққаш мўқовада олам юзини кўрди.

Илм ва ижод аҳли учун қалам ҳақи энг муш-кул муаммолардан бири эди. “Ўзбек адабиёти хазинасида” мажмуасининг муассаслари муаллифларга қалам ҳақини кечиктирмасдан, ўз вақтида тўлиқлини таъминламодда. Ўзи истаган адабий меросни шахсий қизиқиши

билан тадқиқ этса, буну ҳукумат ўз ташаб-буси билан орзудагидай сифатда нашр этса, яна бунинг устига арзирли қалам ҳақи ҳам тўласа, зиёли учун бундан ортқ бахт борми? “Ўзбек адабиёти хазинасида” 200 томлиги-да ҳали дунё юзини кўрмаган, биринчи марта замонавий ёзув ва андозада тартиб берилган кўплаб нодир ёдгорликлар чоп этилмоқда. Бу-лар миллий маънавиятимиз ва маърифатимиз учун жуذا зарур манбалар.

Алишер Навоий номидаги Халқаро жамоат фондининг таъсис этилиши ҳам илм-маърифат ва зиёлилар жамоаси учун катта имкониятлар очиб берди. Мазкур фонд ҳар йили буюк му-тафаккир Алишер Навоий таваллуд кунларида Халқаро симпозиум ўтказиши. Симпозиумлар-га жаҳондаги 20 дан ортқ мамлакатлардан атоқли шарқшунос, навоийшунос олимлар келиб иштирок этишмоқда. Симпозиум мате-риаллари салмоқли ва сифатли илмий тўплам ҳолида чоп этилиб, умумхалқ ва умумжаҳон манфаатлари учун интернет тармоқларидан ҳам ўрин олмақда. Алишер Навоий номли Халқаро жамоат фонди нуфузли олимлар, шоир ва ёзувчилар, жамоат арбоблари ишти-рокида жаҳоннинг тараққий этган мамлакатла-рига илмий-маърифий экспедициялар ташкил этиб, сафар мобайида Туркия, Эрон мамла-катлари, Европа минтақалари музейларидан маънавий меросимиз ва Навоий ижодида оид нодир кўлэмалар ҳамда бошқа турдаги ашё-вий манбаларни қўлга киритиб, миллий ме-росимиз хазинасини бойитмоқда, янги-янги илмий тадқиқот объектларини вужудга кел-тирмоқда. Фондинг Алишер Навоий ижоди-етини ўрганиш соҳасидаги таҳсинга сазовор ишларини эътироф этмок лозим. У илмининг моҳир ташкилотчиси сифатида ҳам ўзининг фаолиятини ривожлантирмоқда.

“Мустақиллик даври ўзбек навоийшу-нослиги” 30 томлик илмий тадқиқотлар тўп-ламининг яратилиши ҳамда энг сифатли қоғозларда, кўркем форматдаги мўқоваларда нашр этилиши Республика маънавий ҳаёти-да ва навоийшунослик илми тараққиётида улкан умумлаштирувчи манба бўлди. Унда Ўзбекистон мустақиллиги даврида ўзбек олимлари томонидан яратилган эллика яқин янги ва илмий теран тадқиқотлар қамраб олинган. Ушбу тадқиқотлар мажмуаси ма-лакатиимиз кутубхоналари, олий ўқув юрти-лари, маънавий-маърифий ташкилотлари ҳамда олимларимизнинг шахсий кутубхоналаридан муҳташам ўрин эгаллади. Бошқача айтганда, мустақиллик даври ўзбек навоийшунослиги-нинг асл бойликлари эл-юрт тасарруфига топ-ширилди. Истаган юртдошларимиз бу улкан илмий-адабий манбадан бемалол баҳраманд бўлишлари мумкин.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ Қабулхона: (71) 233-56-33 Эълолар бўлими: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05 Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746. 29609 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева Мусахҳис: Малоҳат Минғобоева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй Ўза яқини — 00:35 Тошпирилди — 00:45
---	---	--	--